

Аёллар ҳажидаги фарқлар



17:00 / 29.07.2020 1435

Савол:

Маълумки, аёлларнинг намозида эркакларникидан айрим ўринларда фарқланади. Саволим шуки, аёлларнинг ҳажида ҳам эркакларникидан ажралиб турадиган фарқли томонлари борми?

Шаҳноза

Тошкент шаҳри

Ислом шариатида аёлларимиз ҳамиша ҳурматланиб, эъзоланиб келинган, уларнинг фитратлари ҳар бир ишда, ибодатда, жумладан, ҳажда ҳам эътиборга олинган. Ҳаж қийин ибодат бўлиб, унинг сафари машаққатли кечади. Аёл ёлғиз бўлса, бу ишлар унга оғирлик қилади. Шунинг учун уларга ҳамроҳ сифатида бир маҳрамнинг бўлиши шарт қилинади.

Аёллар ҳаж қилиш учун эҳромга кирганда ҳайз кўриб турган бўлса ҳам, ғул билан ният қилаверишига рухсат берилади. Эҳромда эканида тикилган кийимлардан истаганича кийиши жоиз. Эркаклар бошларини очиб юришлари, аёллар эса ёпиб юришлари шарт. Юзларини ёпишга

рухсат йўқ. Қўлқоп кийишмайди.

Шунингдек, аёл «лаббайка»ни ўзи эшитадиган қилиб айтади. Тавофда бир елкани очмайди. Рамл (пахлавонча) юриш қилмайди. Сафо ва Марва ўртасида саъй қилиш пайтида икки яшил устун орасида югурмай, оддий юриш қилади. Сочининг учини бироз қисқартирса, бас. Издиҳом жойлардан ўзини четда туттади.

Ҳайз кўрган бўлса, тавоф ва саъйдан бошқа ибодатларини қилиб бораверади. Поклангандан кейин тавоф билан саъйни қилиб олади. Агар ҳайз сабабидан ифоза тавофининг вақти ўтиб кетса ҳам жонлиқ сўйиш вожиб бўлмайди. Худди шу сабабдан видолашув тавофини қила олмай қолса ҳам ҳажи ҳаж бўлаверади.

Аёл киши эҳромга кириш ниятида икки ракат намоз ўқиб, салом бергандан кейин талбия айтади.

Аёллар учун эҳром ҳолатида бирор махсус кийим кийишларига ҳукм қилинмаган. Фақат бир рўмол билан бошини ва сочларини яхшилаб ёпиши мустаҳабдир. Шу билан сочининг тўзиб кетиши ва толаларини ерга тўкилишининг олди олинади.

«Мўминнинг умр сафари» китобидан

«Ҳилол» журналининг 7(16) сонидан